

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
BESHARIQ TUMANI
HOKIMINING
QARORI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
БЕШАРИҚ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

«30» 07 2020 йил

№ 738

Beshariq shahri

Бешариқ туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонларидан Фарғона вилояти “Агро-пилла” МЧЖ тасарруфига доимий фойдаланиш учун ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2018-йилдаги “Республикада ипакчилик тармоғини ривожлантириш тўғрисида”ги 3472-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.08.2017 йилдаги “2017-2021-йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 616-сонли қарорларини ижросини тامينлаш мақсадида ҳамда Фарғона вилояти “Агро-пилла” МЧЖнинг туман хокими номига ёзган 02.07.2020 йил кунги хатига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига ва амалдаги қонунларга асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:


1. Фарғона вилояти “Агро-пилла” МЧЖнинг туман хокими номига ёзган 02.07.2020 йил кунги Фарғона вилояти “Агро-пилла” МЧЖ тасарруфига туман хокимлиги захирасидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш учун ажратиб беришини сўраб ёзган хати қаноатлантирилсин.
2. Туман хокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясининг 06.07.2020 йилдаги Фарғона вилояти «Агро-Пилла» МЧЖ тасарруфига тут плантациялари ташкил этиш учун доимий фойдаланишга ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
3. Туман хокимлиги захирасидаги Собиртепа ММТП ҳудуди қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 963, 964, 965, 966, 918, 917, 911, 910 - контурлардаги жами 21,1 га шундан 20,2 га экин ери, 0,3 га сув ости ерлари, 0,6 га бошқа ер майдонлари тут плантациялари ташкил этиш учун доимий фойдаланишга ажратиб берилсин.
4. Туман ер ҳисоботларига ўзгартириш киритиш вазифаси туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Б.Насирдинов) га юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси (Т.Хусанов) га, туман Статистика бўлими (Ф.Давлатов)га, Бешарик “Агро-пилла” МЧЖ раҳбари (А.Даминов)га - ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда доимий фойдаланиш учун бириктириб бериш хужжатларга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

6.Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими:



Р.Жўраев

Туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари:

С.Артиқов

Туман ҳокимлиги ҳуқуқшунос маслаҳатчиси:

А.Қабиров

Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи:

Б.Насирдинов